Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2014-yil, 30-oktabr. Payshanba • 128 (31.875) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

# «ОРОЛ ДЕНГИЗИ МИНТАҚАСИДАГИ ЭКОЛОГИК ОФАТ ОҚИБАТЛАРИНИ ЮМШАТИШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли меҳмонлар!

Муҳтарам конференция иштирокчилари!

«Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» халқаро конференциясида иштирок этаётган Оролни қутқариш халқаро жамғармасига аъзо давлатлар делегацияларини, халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, донор мамлакатлар ҳукуматлари, экология ташкилотлари, дипломатик корпус вакилларини, таниқли олим ва экспертларни қутлаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Мазкур форум Марказий Осиё минтақаси учун энг мураккаб муаммолардан бири — Орол денгизининг экологик ҳалокати ва ушбу офат оқибатида юзага келган аҳоли генофонди ва саломатлиги, турмуш шароити ва даражаси, Оролбўйининг ўсимлик ва ҳайвонот олами билан боғлиқ ўткир муаммоларни кўриб чиқишга бағишланган.

Яқин-яқин вақтларгача Орол денгизи Марказий Осиё иқтисодиётини ривожлантириш, озиқ-овқат ишлаб чиқариш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва барқарор ижтимоий инфратузилмани шакллантиришда муҳим ўрин тутар эди. Оролбўйи сув ҳавзаларида йилига 35 минг тоннагача балиқ овланар, Амударё ва Сирдарё дельталаридаги унумдор ерлар, юқори самарали яйлов ва сув ҳавзалари миллионлаб одамларнинг чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида иш билан бандлигини таъминлар эди.

Бироқ минтақадаги йирик дарёларда ўйламасдан улкан гидротехник иншоотлар қурилгани, трансчегаравий дарёлар ҳисобланган Амударё ва Сирдарёнинг табиий оқими нотўғри бошқарилиши энг янги тарихда Ер юзидаги ғоят оғир экологик ҳалокатлардан бирини юзага келтирди. Бир пайтлар дунёдаги энг ноёб, гўзал ва йирик ёпиқ сув ҳавзаларидан бири бўлган Орол денгизи бир авлод кўз ўнгида батамом йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турибди. Бу эса минтақада мисли кўрилмаган офатга айланиб, Оролбўйида яшаётган аҳоли ҳаётига, бу ердаги экотизим ва биохилма-хилликка ўнглаб бўлмайдиган даражада зарар етказмоқда.

Амударё ва Сирдарёнинг Оролга умумий қуйилиш ҳажми кейинги эллик йил ичида қарийб 5 баробар, Орол денгизининг суви 14 баробардан кўпроқ камайди, унинг шўрланиш даражаси эса деярли 25 марта ортди. Бу Орол денгизида илгари бўлган балиқ ва бошқа денгиз мавжудотларининг деярли буткул йўқолишига олиб келди.

Яқин-яқинларгача ўзининг улкан биохилма-хиллиги билан машҳур бўлган Оролбўйи минтақасида ўсимликлар ва ёввойи ҳайвонлар тури кескин камайиб бормоқда, жумладан, сут эмизувчиларнинг 12, қушларнинг 26 ва ўсимликларнинг 11 тури буткул йўқ бўлиш хавфи остида турибди. Оролнинг қуриган қисми ўрнида ҳосил бўлган 5,5 миллион гектардан ортиқ майдондаги янги Оролқум саҳроси тобора бутун Оролбўйи минтақасига ёйилмоқда. Бу ердан ҳар йили атмосферага қарийб 100 миллион тонна чанг ва заҳарли тузлар кўтарилиб, қум бўронлари ва кучли шамоллар билан мазкур ҳудуддан анча олис бўлган минтақаларга ҳам тарқалмоқда.

Аммо Оролбўйида рўй бераётган фожиа кўламини, бу ерда яшаётган миллионлаб одамларнинг дарди ва орзу-армонларини қуруқ рақамлар билан ифода этиб бўлмайди. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистоннинг Орол фожиасининг кучли таъсири остида қолган минтақалари аҳолиси ҳар куни сув ресурслари етишмаслиги, ичимлик суви сифатининг пасайиши ва тупроқ таркибининг бузилиши, иқлим ўзгариши, аҳоли, биринчи навбатда, болаларнинг турли касалликларга чалиниши кўпайиб бораётгани билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммоларни бошдан кечирмоқда.

Орол денгизининг қуриши бутун Марказий Осиёда кескин иқлим ўзгаришига олиб келди, сув ресурслари тақчиллиги, мавсумий қурғоқчиликнинг кучайиши, қаҳратон қишнинг узоқ давом этиши, Помир ва Тянь-Шань тоғлари музликлари эришининг тезлашиши ва минтақа мамлакатларида қишлоқ хўжалиги ишлари билан шуғулланиш шароитларининг ёмонлашишига сабаб бўлди.

Минг афсуски, бугунги кунда Орол денгизини тўлиқ қайта тиклаш имкони йўқлиги тобора аён бўлиб бормоқда.

Орол инқирозининг атроф-муҳит ва бу ерда яшаётган миллионлаб аҳоли ҳаётига ҳалокатли таъсирини, хусусан, пухта ўйланган, аниқ манзилли ва тегишли молиялаштириш манбалари билан таъминланган лойиҳаларни амалга ошириш орқали камайтириш бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир.

Бизнингча, бу борада асосий захиралар мавжуд бўлган қуйидаги йўналишларда тегишли тадбирларни амалга ошириш зарур:

**биринчидан** — бугунги кунда Оролбўйида юзага келган омонат экологик мувозанатни мустаҳкамлаш, чўлланишга қарши курашиш, сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, улардан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш;

**иккинчидан** — Оролбўйи аҳолисининг генофонди ва саломатлигини сақлаш ва таъминлаш учун шароит яратиш, ижтимоий инфратузилмани, тиббиёт ва таълим муассасалари тармоғини кенг ривожлантириш;

**учинчидан** — аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун зарур ижтимоий ва иқтисодий механизмлар ва рағбатлантирувчи омилларни яратиш, асосий инфратузилма ва коммуникацияларни ривожлантириш. Бу ерда яшаётган аҳолида тушкунлик кайфиятининг юзага келишига йўл қўйишга бизнинг ҳаққимиз йўқ ва уларга муносиб ҳаёт кечириши, ўз бизнесини ривожлантириши, уларни янги иш ўринлари ва даромад манбалари билан таъминлаш учун барча имкониятларни яратиб бериш зарур, десам, ўйлайманки, бу фикрга барчангиз қўшиласиз;

**тўртинчидан** — ҳайвонот ва ўсимлик олами биохилма-хиллигини, жумладан, кичик сув ҳавзалари яратиш орқали сақлаш ва қайта тиклаш, минтақанинг ноёб флора ва фаунасини асраб-авайлаш даркор.

Айни ушбу муҳим масалалар Ўзбекистон томонидан БМТнинг юксак минбаридан таклиф этилган ва БМТ Бош Ассамблеяси 68-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилган «Орол денгизи қуришининг оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйида экотизимлар ҳалокатининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури»да қайд этилган.

Бу жаҳон ҳамжамияти Орол денгизи фожиасига глобал экологик офат сифатида қараётгани ва миллионлаб одамлар яшаётган ушбу минтақанинг экологик ва ижтимоий хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиш масаласига зудлик билан эътибор қаратиш ғоят долзарб эканини эътироф этаётганидан далолат беради.

БМТ ва ривожланиш бўйича бошқа ҳамкорларимиз 1993 йил БМТ ва Марказий Осиёнинг беш давлати томонидан ташкил этилган Оролни қутқариш халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаётгани ҳам буни тасдиқлайди. Ўтган даврда мазкур жамғарма халқаро донорлар ҳамжамияти ёрдамида Орол денгизи ҳавзасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича умумий қиймати 2 миллиард доллардан зиёд бўлган иккита дастурни амалга оширди.

Шу муносабат билан минтақа давлатлари ва Оролбўйи аҳолиси олдида турган кескин муаммоларни ҳал этишда ёрдам кўрсатаётган институтлар ва ҳамкор мамлакатларга миннатдорлик билдиришга рухсат бергайсиз. Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, БМТ агентликлари, Ислом тараққиёт банки, ЮСАИД, Европа иттифоқи, шунингдек, Япония, Корея Республикаси, Хитой, Германия, Франция, Швейцария, Кувайт ва бошқалар бизнинг ана шундай фаол ҳамкорларимиз ҳисобланади.

Оролни қутқариш халқаро жамғармаси 2013 йилдан буён БМТ, Европа иттифоқи, етакчи халқаро ташкилотлар ва молия институтлари кўмагида Орол денгизи ҳавзасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича уч юздан зиёд лойиҳадан иборат учинчи дастурни амалга оширмоқда. Бу лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш учун 8,5 миллиард доллардан зиёд маблағни жалб қилиш зарур.

Айни пайтда биз шуни очиқ тан олишимиз керакки, бу борада амалга оширилаётган лойиҳа ва дастурларга қарамасдан, ҳали яна кўплаб ишларни бажариш талаб этилади. Минтақа мамлакатлари Орол денгизи ҳалокатининг атроф-муҳит ва бу ерда яшаётган аҳоли ҳаёти ва фаолиятига етказаётган экологик, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар оқибатларини бартараф этиш учун етарлича маблағ ва моддий-техник имкониятларга эга эмас. Шу боис Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа халқаро ташкилотлар ва ривожланиш бўйича ҳамкор давлатларнинг самарали амалий ёрдамисиз дунё миқёсидаги ушбу муаммони ҳал этиб бўлмайди.

Орол денгизи фожиасининг кенг кўлам касб этган оғир оқибатлари Оролбўйи аҳолиси, ушбу ҳудуднинг иқтисодиёти, ижтимоий соҳа ва атроф-муҳитига таҳдид солаётган кўплаб хавф-хатарларни самарали бартараф этишга қаратилган янги, кенг қамровли ёрдам дастурини ишлаб чиқишни талаб этади.

Оролбўйи минтақасига ёрдам кўрсатиш бўйича бундай комплекс дастурни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, авваало, халқаро ташкилотлар — БМТ, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби молия институтлари ва нуфузли халқаро экология ташкилотлари ҳал қилувчи ўрин тутиши керак. Бу мазкур дастурни ҳаётга татбиқ этишга нафақат халқаро ташкилотлар ва молия институтлари ресурслари, балки бизга дўст ва ҳамкор мамлакатлар имкониятларини ҳам жалб этишга кўмак беради.

Оролни қутқариш халқаро жамғармасига аъзо бўлган деярли барча мамлакатлар Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари каби сувни тежаш, Оролбўйини қайта тиклаш ва ривожлантириш бўйича миллий дастурларни амалга оширмоқда. Сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш принциплари, сувни тежайдиган замонавий технологиялар кенг жорий қилинмоқда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификация қилишга доир ва бошқа кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Оролбўйида аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, турар-жой, ижтимоий ва транспорт-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ жойларда замонавий уй-жойлар, умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежлари, врачлик пунктлари барпо этиш, автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга оид дастурлар амалга оширилмоқда.

Ишончим комилки, Оролбўйи ва унинг аҳолиси тақдиридан ташвишга тушаётган давлатлар, БМТ тузилмалари, халқаро молия ва экология ташкилотларининг аниқ мақсадли, кўп қиррали ва тизимли ўзаро ҳамкорлиги Оролбўйи минтақасининг энг кескин муаммоларини ҳал этишга қаратилган амалий дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш имконини беради.

Ҳурматли халқаро конференция иштирокчилари!

Орол денгизи қуришининг ҳалокатли оқибатларини чуқур тушуниб, Оролбўйи экотизимини қутқариш ишига қўшаётган салмоқли ҳиссангиз учун сизларнинг барчангизга самимий миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Конференция иши самарали бўлишини, унинг барча иштирокчиларига эса сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятида улкан муваффақиятлар тилайман.

Чуқур ҳурмат билан,

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси раиси.**



# Саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш йўлида

**Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Урганч шаҳрида 28-29 октябрь кунлари «Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.**

Анжуманни ўтказишдан кўзланган мақсад жаҳон ҳамжамияти саъй-ҳаракатларини Оролбўйи минтақасида экологик ва ижтимоий-иқтисодий аҳволни яхшилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга жалб этиш, ушбу экологик офатнинг салбий оқибатларини камайтириш учун халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришдан иборат.

► *Давоми 3-бетда.*

## БЮДЖЕТ — 2015

# Ҳар бир рақам ортида

## *одамлар манфаати бор*

Ўтган ҳафта Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 2015 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда солиқ сиёсатининг асосий йўналишларини маъқуллаб, Сенатга юборди. Хўш, 2015 йил учун мўлжалланган Давлат бюджетининг ўзига хос хусусиятлари нималарда кўринади? Бу масалага Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг муносабати қандай?

► *Давоми 2-бетда.*

## САЙЛОВ ҲАҚИДА САВОЛИНГИЗ БОРМИ?

# Сайловда эркин иштирок этиш учун

## барча ташкилий шароитлар, ҳуқуқий асослар яратилган

Мамлакатимизда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ишлари қизғин олиб борилаётган шу кунларда фуқароларимизни сайлов қонунчилигига оид турли саволлар қизиқтирмоқда. Таҳририятимизга келаётган хатларда ҳам сайлов билан боғлиқ саволлар оз эмас.

2

## ЎзХДПДА СИЁСИЙ ВА ФУҚАРОЛИК МАЪРИФАТИ

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси билан ҳамкорликда шу мавзуда давра суҳбати ўтказди.**




# «Демократик сайловлар

## мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омили»

Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят партия кенгашлари фаоллари, тарғиботчи гуруҳлар аъзолари, йирик бошланғич ташкилотлар етакчилари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қаноти вакиллари иштирок этди.

Таъкидландики, жамиятимизнинг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар миллий давлатчилигимизни янада мустаҳкамлаш, ҳаётимизни демократик қадриятлар билан бойитишга хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда сиёсий партияларнинг фаоллигини ошириш, давлат ва жамият бошқарувида иштирокини кучайтириш, уларнинг мавқеини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу имкониятлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, шунингдек, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларда фаол иштирок этишга шароит яратади.

Давра суҳбатида партиянинг янги Сайловолди дастури асосий йўналишлари муҳокама этилди.

Бу ҳақда газетамизнинг навбатдаги сонида батафсил ҳикоя қилинади.

**Ўз мухбиримиз.**

● 2014-yil, 30-oktabr. Payshanba ● 128 (31.875)-son
www.uzbekistonovozi.uz

2015 йилда Давлат бюджети харажатларида ижтимоий соҳани ривожлантиришга 2014 йилга нисбатан 1,2 баробар кўп маблағ ажратиш кўзда тутилган

БЮДЖЕТ — 2015

# Ҳар бир рақам ортида

## *одамлар манфаати бор*



**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари Улуғбек Вафоев мухбиримизнинг шу ва бошқа саволларига жавоб берди.**

— Давлат бюджети мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг асосий кўзгуси ҳисобланади. Ҳар бир давлатнинг бюджетига қараб, у ердаги ҳаёт даражаси, ислоҳотларга баҳо бериш мумкин.

Унутмаслигимиз керак, бугун жаҳонда глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳамон давом этмоқда, ҳатто ривожланган давлатларнинг ҳам иқтисодиёти жиддий муаммоларга дуч келмоқда. Жаҳондаги шундай таҳликали вазиятга қарамасдан, мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ҳамда иқтисодиётнинг юқори суръатларда барқарор ўсиши таъминланяпти. Халқимизнинг турмуш даражасини янада кўтариш, одамларнинг ҳаётини енгиллаштириш мақсадида муҳим ишлар қилиняпти. Бу, парламентга тақдим этилган Давлат бюджети ва солиқ сиёсатининг асосий йўналишларида ҳам яққол кўринди.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилга мўлжалланган Давлат бюджетининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапирганда, у, аввало, аҳолининг фаровонлиги ва турмуш даражасини оширишга қаратилганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

***— Сўнгги йилларда дунё мамлакатлари давлат бюджетини режалаштиришда, солиқ сиёсатини белгилашда иқтисодиётнинг барқарорлиги ва рақобатбардошлигини оширишга эътибор беряпти. Айрим мамлакатларда давлат бюджетини тўлдириш учун солиқ юкини кўпайтириш масаласи кўтариляпти ва бу турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Шу маънода Ўзбекистоннинг 2015 йилги солиқ сиёсатида қандай ўзгаришлар бўлади?***

*Давоми. Бошланиши 1-бетда.*

— Мамлакатимизда ҳар йили солиқ сиёсатини белгилашда фуқаролар, айниқса, кам даромадли фуқароларга солиқ юкини камайтиришга, иқтисодиётнинг турли тармоқларини солиқ имтиёзлари орқали қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Келгуси йилда ҳам солиқ сиёсатида фуқароларнинг даромадлари ва фаровонлигини оширишга қаратилган муҳим ўзгаришлар кутилмоқда. Мисол учун, **микрофирмалар, кичик корхоналар ҳамда фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси ҳозирги 25 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилмоқда.** Бу, корхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, шу орқали қўшимча иш ўринлари яратиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади. Айни пайтда иш ҳақи фондига солиқ юкининг пасайтирилиши ишчи-ходимларга тўланаётган даромадларнинг легаллаштирилишини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Натижада меҳнат қилувчиларнинг ижтимоий муҳофазаси кафолатлари мустаҳкамланади. Бу партиямиз учун принципиал бўлган масалалардандир.

Фракциямиз аъзолари сайловчилар билан ўтказган учрашувларда энг кўп кўтарилган масалалардан бири ўз ишини энди бошлаган ёшларга вақтинчалик солиқ имтиёзлари бериш эди. Келгуси йил учун солиқ сиёсатининг асосий йўналишларини белгилашда шу масалага эътибор берилди. Яъни, **касб-ҳунар коллежини тугатиб, ўз ишини йўлга қўйган ёшларимиз тегишли тартибда олти ойга солиқ тўлашдан озод этилиши назарда тутиляпти.** Бу давлат рўйхатидан ўтиб, қонуний равишда иш юритадиган ёшлар кўпайиши, улар тезроқ оёққа туриб, бизнесини ривожлантиришига қулай шароит яратади.

Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, хўжалик юритувчи субъектлар фойда солиғининг базавий ставкаси 8 фоиздан 7,5 фоизгача пасаймоқда. Бу уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлайди, қўшимча иш ўринлари яратиш имконини беради.

Шу билан бирга, **ўртача иш ҳақидан паст ёки унга тенг миқдорда даромад олувчи жисмоний шахсларнинг даромади бўйича "0" даражали ставкани назарда тутувчи солиқ солишнинг тўрт поғонали шкаласи жорий этилмоқда. Бунинг маъноси шундаки, эндиликда кам даромад олган фуқаро олдингига қараганда камроқ солиқ тўлайди.** Натижада партиямиз электорати ҳисобланмиш кам даромадли фуқароларга солиқ юки камаяди.

Умуман, келаси йил солиқ тўловлари бўйича яратилаётган турли имтиёзлар орқали, **фуқаролар ва ўз ишини юритаётган ёшлар, микрофирма, кичик корхона ҳамда фермер хўжаликлари қўлида 1 триллион сўмдан ортиқ маблағ қолиши режалаштирилмоқда.** Бу одамларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, турмуш фаровонлигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга ўзига хос улуш бўлиб қўшилади.

***— Маълумки, Ўзбекистон Давлат бюджети харажатларининг катта қисмини ижтимоий соҳага йўналтиради. Келгуси йил аҳолига, иқтисодиётнинг турли тармоқларига қатор солиқ имтиёзлари ва енгилликлар беряпти. Бу Давлат бюджетининг даромадлари камайишига, ўз навбатида, ижтимоий соҳа харажатларини молиялаштириш қисқаришига олиб келмайдими?***

— Солиқ тўловларида катта имтиёзлар берилишига қарамасдан, 2015 йилги Давлат бюджети харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлиги сақлаб қолинади. Бу борада хавотирга ўрин йўқ.

Бюджетнинг даромад қисмини солиқ юкини ошириш ҳисобидан эмас, балки иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ҳамда солиқ тўловчилар кўпайиши орқали тўлдириш кўзда тутилмоқда. Таҳлилий ҳисоб-китоб натижалари буни асослайди.

Мазкур ҳолат мамлакатимиз иқтисодиёти ишончли ривожланаётганидан далолат беради. Шунинг учун Давлат бюджетида йилдан-йилга ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағларнинг улуши ошиб бормоқда.

Мисол учун, 2015 йилда Давлат бюджети харажатларида ижтимоий соҳани ривожлантиришга 2014 йилга нисбатан 1,2 баробар кўп маблағ ажратиш кўзда тутилган. Бюджет харажатларининг асосий қисми таълимни ривожлантириш, соғлиқни сақлашни яхшилаш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби мақсадларга йўналтирилади. **Келгуси йил иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар миқдорини инфляция даражасидан юқори суръатларда ошириш режалаштирилган.**

> Касб-ҳунар коллежини тугатиб, ўз ишини йўлга қўйган ёшларимиз тегишли тартибда олти ойга солиқ тўлашдан озод этилиши назарда тутиляпти.

Ушбу чора-тадбирларнинг барчаси фуқароларимизнинг фаровонлигини оширишга, турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади.

***— Давлат бюджети ҳамда солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари муҳокамалари бўйича Халқ демократик партияси фракцияси қандай таклифлар берди?***

— 2015 йилги Давлат бюджети қабул қилингандан сўнг, унинг ижросини таъминлаш янги ҳуқуқий шароитда амалга оширилади. Чунки, жорий йилда Президентимизнинг ташаббуслари билан Конституциямизнинг айрим моддаларига шу борада ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Конституциямизнинг 78-моддасида Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатлари мустаҳкамланди. Шунингдек, Асосий Қонунимизнинг 103-моддасида вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг тегишли халқ депутатлари Кенгашларига ҳисобдорлиги кучайтирилди.

Ушбу ваколатлардан келиб чиқиб, фракциямиз Қонунчилик палатасининг қарори лойиҳасига Давлат бюджети ижросини таъминлаш бўйича депутатлик корпуси олдига аниқ вазифалар белгилаш таклифини берди.

Маълумки, Бюджет тизимида маблағларнинг шаклланиши, уларнинг манзилли ишлатилиши ўртасида мутаносибликни таъминлаш жуда мураккаб жараён. Ундаги кичик ноаниқлик ҳам катта ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун бу жараёнда мутасадди идоралар, депутатлар ҳамда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлашга эришиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Фаолиятимизда гувоҳи бўлмоқдамиз, айрим ҳолларда қабул қилинган қонунлар моҳияти ҳақида фуқаролар, ҳатто ижрочиларга ҳам тўлиқ тушунчага эга бўлмаяпти. Фикримизча, ҳар қандай қонун ёки меъёрнинг ижроси таъминланишида энг муҳим омил хабардорликдир. Давлат бюджетидаги ҳар бир рақам ортида пухта ўйланган сиёсат ва узоқни кўзлаган мақсад турибди. Уларнинг мазмун-моҳиятини одамларга етказиш керак. Демак, аҳолига Давлат бюджети ва солиқ сиёсати орқали яратиб берилаётган имкониятлар тўғрисида кенг тушунча беришимиз зарур. Партиямиз бу борада керакли вазифаларни белгилаб олмоқда.

**«Ўзбекистон овози» мухбири Тўлқин ТЎРАХОНОВ суҳбатлашди.**

## АКАДЕМИК ВАҲОБ РАҲИМОВ



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради. Геология ва кончилик соҳасидаги йирик олим, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Ваҳоб Раҳимов 80 ёшида вафот этди.

В.Раҳимов 1934 йили Самарқанд шаҳрида туғилди. 1957 йилда Ўрта Осиё политехника институтини тугатиб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг кончилик бўлимида илмий ходим сифатида иш бошлади. Кейинчалик Москва кончилик иши институти аспирантурасида таҳсил олди. 1963 йилда номзодлик, 1972 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланди.

Истеъдодли олим ўзининг қарийб 60 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Тошкент давлат техника университети «Маркшейдерлик иши» кафедраси доценти, кафедра мудири, кон-металлургия факультети декани ва университет проректори каби масъул лавозимларда ишлади. Геология ва геофизика, кон муҳандислиги ва геодезия соҳасидаги долзарб масалаларни илмий ўрганиш, илм-фаннинг мазкур мураккаб йўналишида юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшди.

Атоқли олимнинг тоғ жинсларини қазиб олишнинг назарий ва амалий масалаларига бағишлаб ёзган кўплаб мақола ва рисолалари, илмий ихтиролари соҳа мутахассислари ва илмий жамоатчилигимизга яхши маълум.

Заҳматкаш олим ўз фаолияти давомида меҳрибон ва талабчан устоз сифатида кўплаб ёшларга геология ва кон муҳандислиги сирларидан сабоқ берди. Унинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан номзодлари ва докторлари тайёрланди.

Академик В.Раҳимовнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби» фахрий унвонига ва «Меҳнат шуҳрати» орденига сазовор бўлган эди.

Таниқли олим, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Ваҳоб Раҳимовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЁЕВ, Ш.СОЛИҲОВ**

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши аъзолари, партия фаоллари иштирок этди.**

## Сайловолди муҳим масалалар муҳокама этилди

Мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларни очиқ, ошкоралик асосида ўтказиш учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. Натижада халқаро ҳуқуқ меъёрлари талаблари, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси, миллий қадриятларимиз ва Конституцияга тўла мос келадиган миллий сайлов қонунчилик тизими юзага келди.

Пленумда таъкидланганидек, жамиятни янада демократлаштириш ва янгилаш йўлида эришилган натижалар аҳолининг ижтимоий-сиёсий саводхонлиги ҳамда дунёқарашининг юксалиб бораётгани мисолида намоён бўлмоқда.

Пленумда мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимининг ривожланиши партиялараро соғлом рақобат муҳитини яратгани қайд этилди. Шунингдек, барча сиёсий партияларга сайловолди тарғиботини амалга ошириш учун тенг ва кенг имкониятлар берилди.

Тўпланган тажрибаларга таянган ҳолда партия ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва ижросини таъминлаш орқали электорат манфаатини янада муносиб ҳимоя қилиш зарурлиги таъкидланди. Сайловолди тарғиботи жараёнларида долзарб масалалар бўйича партия позициясини акс эттириш вазифаси белгиланди.

Пленумда халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутатлигига номзодлар тасдиқланди. Партиянинг Сайловолди платформаси ҳамда ЎзХДП низомига ўзгартиришлар киритиш борасида таклифлар берилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Абдурасул САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

САЙЛОВ ҲАҚИДА САВОЛИНГИЗ БОРМИ?

# Сайловда эркин иштирок этиш учун

## барча ташкилий шароитлар, ҳуқуқий асослар яратилган

***Мен бу йил 18 га тўлдим ва конституциявий ҳуқуқимдан фойдаланиб, сайловда биринчи марта овоз бераман. Очиғи, жуда ҳаяжондаман. Чунки энди менинг зиммамда эл-юрт манфаатига дахлдор масала юзасидан холис ва тўғри қарор қабул қилиш масъулияти бор. Шунинг учун мамлакатимиздаги сиёсий партиялар фаолиятини кузатиб бораяпман ва сайлов қонунчилигидаги янгиликлардан хабардор бўлишга интилаяпман.***

***Менга сайлов бюллетени ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз...***

**Нодиржон Шукуров,**
**Бухоро вилояти, Жондор тумани, Охших қишлоғи.**



**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Аҳад Аҳмедов:**

— «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 35-моддаси, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 32-моддасида айнан сайлов бюллетенида нималар кўрсатилиши белгиланган. Унга асосан, сайлов бюллетенига депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибида киритилиб, унинг туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) ва уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи кўрсатилади. Сайлов бюллетенида уни тўлдириш тартиби тўғрисида тушунтириш берилади. Бюллетенлар давлат тилида, шунингдек, тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайлов округи аҳолисининг кўпчилиги муомала қиладиган тилларда нашр этилади.

Сайлов бюллетенининг ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади. Комиссия томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди.

◀ *Давоми. Бошланиши 1-бетда.*

***— Қонунчилигимизга киритилган ўзгартиш ва янгиланишларга асосан, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдаги ошкоралик нималардан иборат бўлади?***

**Аҳмад Қурбонов,**
**Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани,**
**«Каттакўл» маҳалласи.**



**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Ҳафиза Каримова:**

— Айтиш жоизки, мамлакатимизда сайлов жараёнларини демократлаштириш ва уларни очиқ-ошкора ўтказиш учун барча зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратилган. Масалан, сайлов қонунчилигига асосан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошкора амалга оширади.

Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, яъни сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақтидан воқиф этади, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништиради, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар хусусида маълумотлар беради, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қилади.

Оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб боради.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадир.

***Сайлов жараёнларининг очиқлиги, ошкоралигини таъминлашда кузатувчиларнинг ўрни, ҳуқуқлари нималардан иборат?***

**Нигора Исакова,**
**Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,**
**«Янги шаҳар» маҳалласи.**



**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Комила Каромова:**

— Сайловга тайёргарлик кўриш, сайлов ўтгандан сўнг овозларни санаб чиқишда кузатувчининг алоҳида ўрни бор. Кузатувчилар округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида ва сайлов участкасида ҳозир бўлиши, тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов қутиларининг жойлаштирилиши ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиши керак. Кузатувчи овозларни санаб чиқишда ва участка сайлов комиссиясининг баённомаларини тузишда ҳозир бўлади. Бундан ташқари, кузатувчи сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиш, агар сайлов участкасида қонун бузилишига йўл қўйилган, деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори сайлов комиссиясига маълум қилиш ҳуқуқига ҳам эга.

Шунингдек, қонунга мувофиқ, кузатувчиларга сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиши, сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиёти тарқатиш, сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш, участка сайлов комиссиясининг фаолиятига аралашиш ман этилади.

**«Ўзбекистон овози» мухбири Лазиза ШЕРОВА ёзиб олди.**

## *ЎзХДП ҳаётидан хабар*

Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрида жойлашган «Рудник М» корхонасидаги ЎзХДП бошланғич ташкилотида сайлов қонунчилигини ўрганишга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Унда асосий эътибор сайловга оид қонунларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга қаратилди. Фуқароларнинг сайловда фаол иштирок этишини таъминлаш, сайлов маданиятини юксалтириш масалалари ҳақида фикр алмашилди. Давра суҳбати якунида 10 нафар ёш ходимга партия аъзолиги гувоҳномалари топширилди.

— Зарафшон шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 32 та бошланғич ташкилоти бор, — дейди **шаҳар партия кенгаши раиси Баҳодир Қосимов.** — Улар фаолиятини тубдан яхшилаш, аъзоларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида учрашув ва давра суҳбатларини мутлақо янгича руҳда ташкил этишга ҳаракат қилаяпмиз. Сайловларга тайёргарлик, унда партиямизнинг муносиб иштирок этиши масалаларига бағишланган тадбирлар барча бошланғич ташкилотларимизда тизимли равишда ўтказилаяпти.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

**«OROL DENGIZI MINTAQASIDAGI EKOLOGIK OFAT OQIBATLARINI YUMSHATISH BO'YICHA HAMKORLIKNI RIVOJLANTIRISH»**
**XALQARO KONFERENSIYASI**

# Саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш йўлида

Унда БМТ, ШҲТ, Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ, Ерости сув ресурсларини баҳолаш халқаро маркази, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, ОПЕК каби 24 нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, молия институтлари вакиллари, Австрия, Венгрия, Германия, Испания, Хитой, Латвия, Малайзия, АҚШ, Франция, Швейцария, Жанубий Корея, Япония сингари 26 давлатдан экология, иқлим ўзгариши ва сув ресурсларини бошқариш соҳаси олим ва экспертлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси раиси Ислом Каримовнинг халқаро конференция иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов ўқиб эшиттирди.

БМТ Бош котиби Пан Ги Мун ўз видеомурожаатида дунёдаги кенг кўламли антропоген ҳалокатлардан бири деб эътироф этилган ва миллионлаб аҳоли ҳамда атроф-муҳитга катта зарар етказаётган Оролбўйи минтақасидаги экологик бўҳрон муаммолари муҳокамасига бағишланган ушбу халқаро конференцияни ўтказиш муҳимлигини таъкидлади.

Иштирокчиларга Орол денгизи ҳавзасида юзага келган мураккаб вазият билан боғлиқ муаммолар ва минтақавий лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига бағишланган видеофильм намойиш этилди.

ЮНЕСКО Бош директори Ирина Бокованинг анжуман қатнашчиларига йўллаган табригини ЮНЕСКО Бош директорининг ўринбосари, Осиё ва Тинч океани мамлакатларидаги илм-фан бўйича минтақавий ваколатхонаси директори Хуберт Гизен ўқиб эшиттирди.

БМТ Бош котибининг ўринбосари Кристиан Фриис Бах, БМТ Тараққиёт дастури администраторининг ўринбосари Ойша Жаҳон Султоноглу, ЭСКАТО ижрочи котиби ўринбосари Шун-ичи Мурата, Осиё тараққиёт банкининг атроф-муҳит, табиий ресурслар ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича департаменти бошлиғи Акмал Сиддиқ, Ислом тараққиёт банкининг минтақавий ваколатхонаси раҳбари Ҳишам Маъруф ва бошқалар Орол инқирози ўзининг экологик-иқлим, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар оқибатлари бўйича Марказий Осиё минтақасининг барқарор ривожланишига, ушбу ҳудуд аҳолисининг саломатлиги, генофонди ва келажагига бевосита хавф солаётганини таъкидлади. Экологик бўҳрон чегараси кенгайиб бораётган бир шароитда Орол муаммосини ҳал этишга жаҳон ҳамжамияти эътибори жалб этилмаса, янада кенг ҳалокатли тус олиши мумкин.

Конференцияда Орол денгизи қуришининг асосий сабабларидан бири собиқ иттифоқ даврида табиий ресурслардан хўжасизларча, ўйламасдан фойдаланиш оқибати экани қайд этилди.

Орол денгизининг Ғарбдан Шарққа эсадиган кучли ҳаво оқими йўлида жойлашгани ва бу аэрозолларнинг юқори атмосфера қатламларига кўтарилишига сабаб бўлаётгани атроф-муҳит ифлосланиши оқибатларини янада кучайтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов юксак минбарларда минтақа доирасидан аллақачон чиқиб улгурган Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш бўйича самарали чоралар кўриш муҳимлигини бир неча бор таъкидлаган эди. Хусусан, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Оролни қутқариш халқаро жамғармасини ташкил этиш ташаббускорларидан бири бўлди. Давлатимиз раҳбари ушбу масалани илк бор 1993 йил 28 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида кўтариб чиққан ва жаҳон ҳамжамияти эътиборини Орол денгизи муаммосига қаратган эди. Бундан ташқари, Президентимиз 2000 йил 8 сентябрь куни БМТнинг Мингйиллик саммитида БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури шафелигида Орол денгизи ва Оролбўйи муаммолари бўйича кенгашни ташкил қилиш ташаббусини илгари сурди.

Оролбўйи минтақасидаги экологик аҳволни яхшилаш, экологик бўҳрон оқибатларини юмшатишда мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳим ўрин тутаётир.

Табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга соладиган ва табиатни муҳофаза қилиш самарадорлигини оширишга қаратилган қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон ушбу соҳадаги асосий халқаро ҳужжатлар, чунончи, Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланишга оид конвенцияга қўшилди. Сув ресурслари тақчиллиги ва чўлланиш муаммоларини ҳал этиш, сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш, ерларнинг шўрланиши ва емирилишига қарши курашиш, аҳолининг ичимлик сувидан фойдаланишини яхшилаш, минтақада тобора кучайиб бораётган экологик ва иқлим ўзгаришининг салбий таъсири билан боғлиқ касалликларни даволаш учун зарур инфратузилмани шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Мисол учун, «Амударё дельтасида кичик кўллар барпо этиш» лойиҳаси дастлабки босқичининг амалга оширилиши бешта сув чиқариш иншооти, қирғоқни ҳимоя қиладиган 45 километрлик дамбалар қуриш, умумий майдони 70 минг гектар ва 810 миллион куб метр сиғимга эга бошқариладиган муҳандислик сув ҳавзалари бунёд этиш имконини берди. Сўнгги 15 йилда Амударё дельтасидаги 180 минг гектар майдонга сув чиқарилди ва кичик кўллар барпо этилди. Истиқболда ушбу кўллар умумий сув юзаси майдонини 230 минг гектаргача кенгайтириш мўлжалланган.

Орол инқирози таъсир кўрсатган ҳудудларда 740 минг гектар, денгизнинг қуриган тубида 310 минг гектар майдонда ўрмонзорлар барпо этилди. 1997-2012 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида замонавий амбулатория-поликлиника муассасалари фойдаланишга топширилди, 5,8 минг ўринга мўлжалланган тиббиёт муассасалари қурилди ва реконструкция қилинди, 840 қишлоқ врачлик пункти фаолият юритмоқда. Кўрилган чоралар самарасида Қорақалпоғистон Республикасида нуқсон билан туғилганлар сони 1997 йилга нисбатан 3,1 баробар, оналар ўлими 2, чақалоқлар ўлими эса 2,4 марта қисқарди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2008 йили Тошкентда БМТ кўмагида ўтказилган «Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари» мавзусидаги халқаро конференция Оролбўйидаги экологик аҳволни яхшилашда муҳим роль ўйнади. Мазкур конференцияда ишлаб чиқилган Ҳаракат режаси 2011-2015 йилларда Орол денгизи ҳавзасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича учинчи дастурнинг асосини ташкил қилди.

— Жаҳон банки ушбу дастурни амалга оширишда иштирок этмоқда, — деди Жаҳон банкининг Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Сарож Кумар Жа. — Дастур Орол денгизи ҳавзасида экология ва сув хўжалиги билан боғлиқ аҳволни яхшилаш, барқарор ривожланишга эришишга қаратилган. Жаҳон банки томонидан миллий ва минтақавий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган инвестициялар умумий миқдори бугун 1 миллиард АҚШ долларидан ошди. Мазкур халқаро конференция ҳамкорликнинг янги йўналишларини белгилаш ва минтақадаги мавжуд экологик муаммоларни ҳал этишда барча манфаатдор томонлар саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш имконини беради.

Анжуманнинг секция мажлисларида экологик оғир ҳудудларда яшаётган аҳолининг генофондини сақлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чоралар кўриш, Оролбўйи аҳолисининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун зарур иқтисодий рағбат ва механизмларни жалб этиш, минтақада экотизим ва биохилма-хилликни қайта тиклаш масалалари муҳокама этилди.

Иштирокчилар Урганч шаҳрида ушбу конференция юксак савияда ташкил этилганини юқори баҳолади ва тадбир Орол денгизи қуришининг оқибатларига қарши курашишда халқаро ҳамкорликни фаоллаштиришга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Халқаро конференциянинг якуний ҳужжати қабул қилинди.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА махсус мухбири**

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

# Таълим кредити

## кимларга, қандай тартибда берилади?

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тижорат банклари инвестиция портфелини мониторинг қилиш департаменти директори Азамат ҚОСИМОВ билан суҳбат.**



— Мамлакатимизда ёшларнинг таълим олиши учун кенг имкониятлар яратиш, уларни ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлда Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисидаги қарори эълон қилинган, — дейди Азамат Қосимов. — Ушбу ҳужжатга асосан «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисидаги Низом» тасдиқланди. Унга кўра, республикамизда фаолият юритаётган барча тижорат банклари томонидан мамлакатимиз олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиётганларга таълим кредитлари ажратиш белгилаб қўйилди.

**— Таълим кредитини олиш учун қандай ҳужжатлар тақдим этиш керак?**

— Таълим кредити олиш учун қарз олувчи банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

*а) таълим кредити олиш тўғрисида ариза;*

*б) талаба ва олий таълим муассасаси ўртасида тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақида белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартнома;*

*в) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан қарз олувчининг яшаш жойи тўғрисида маълумотнома;*

*г) кредит қайтарилиши таъминланиши тўғрисида ҳужжат;*

*д) имтиёзли таълим кредитлари олиш ҳуқуқига эга бўлган чин етимлар, Меҳрибонлик уйларида тарбияланганлар, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари, кам таъминланган оилалар фарзандлари, тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этади.*

Қарз олувчилар юқоридаги ҳужжатларни банкка тақдим этиш билан бир қаторда фуқаролик паспортини шахсан кўрсатади.

Қарз олувчига янада енгиллик бўлиши учун қуйидагилар ҳам кўзда тутилган.

*— мол-мулк ёки қимматли қоғозларни гаровга қўйиш;*

*— банкнинг кафолати;*

*— учинчи шахснинг кафиллиги;*

*— суғурта компаниясининг қарз олувчи кредитни қайтара олмаслиги хавфи суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси.*

Юқоридагиларнинг бири тақдим этилгандан сўнг банк, қарз олувчи ва олий таълим муассасаси ўртасида кредит шартномаси тузилади. Ушбу белгиланган тартиб таълим кредити олишнинг энг ихчам, содда ва қулай йўли бўлиб, уни олишда ҳеч қандай қийинчилик туғилмайди.

**— Таълим кредити кимларга берилади? Уни олганларга қандай имтиёзлар бор?**

— Таълим кредити олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган талабаларнинг ўқиши учун ўзларига, уларнинг ота-оналарига ёки васийларига берилади.

Уларга бериладиган кредитлар имтиёзлидир. Унинг имтиёзга эгалиги, биринчидан, ушбу қарорнинг 3-бандида кўрсатилганидек, чин етимлар, Меҳрибонлик уйларида тарбияланганлар ҳамда болаликдан I ва II гуруҳ ногиронларига (ноль фоиз ставкаси) фоизсиз таълим кредитлари берилади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари эса кредит учун Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган фоизда ҳисобланган сумманинг фақат 50 фоизини тўлайди. Қолган 50 фоизи эса Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан тўланади.

Иккинчидан, шартнома суммасининг иккига бўлиб тўланиши натижасида тўланадиган фоизлар суммаси анча пасаяди.

Учинчидан, ушбу кредитларни қайтаришда имтиёзли давр мавжуд. Таълим кредитларини қайтариш талаба ўқишни тугаллаганидан уч ой ўтганидан сўнг бошланади. Ушбу имтиёзнинг аҳамияти шундан иборатки, тўлов-контракт асосида олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилинган талаба ёки унинг ота-онаси тўрт йилдан ортиқроқ муддатга олинган кредит бўйича асосий қарзни қайтаришдан озод бўлади.

Тўртинчидан, ушбу кредитларнинг узоқ муддатли эканлиги Олий таълим муассасасига, бакалавриатга қабул қилинган талабаларга таълим кредитлари 10 йил муддатга, магистратурага қабул қилинган талабаларга 5 йил муддатга берилади. Маълумки, ушбу муддатларда олинган кредитларнинг қайтарилиши оила бюджетига катта таъсир кўрсатмайди ва талабанинг ўзи ўз даромади асосида кредитни қайтариш имконига эга бўлади. Шу билан бирга талаба муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган даврда олинган таълим кредитларидан фойдалангани учун фоизлар ҳисобланмайди ва тўланмайди. Бу ҳам таълим кредитлари бўйича ёшларимиз учун яратилган имтиёз бўлиб, олинган кредитлар учун тўланадиган фоизлар суммасини камайтиришга қаратилган. Қолаверса, ёшларга ва уларнинг ота-оналарига янада енгилликлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 179-моддаси 31-банди иккинчи хатбошисига мувофиқ фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг мамлакатимиздаги олий ўқув юртларида таълим олишга йўналтириладиган суммаларига даромад солиғи солинмайди.

**— Таълим кредити сўраган фуқаролар қанча муддат ичида уни олиши мумкин?**

— Тижорат банклари қарз олувчи томонидан таълим кредити беришни сўраб банкка тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган тўла ҳужжатлар тўпламини 10 кун мобайнида кўриб чиқиб, кредит шартномаси имзолангандан кейин, таълим кредити қарз олувчининг ссуда ҳисоб-рақамидан унинг шахсий ёзма топшириғи асосида олий таълим муассасасининг талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб-рақамига маблағ ўтказиш йўли билан берилади.

Маблағлар кредит шартномасида қайд этилган шартларда, йиллик тўловнинг тўлиқ миқдорини тенг икки қисмга бўлиш йўли билан ўтказилади. Бунда янгидан қабул қилинган талабалар учун бошланғич тўлов ушбу йилнинг 1 октябригача, иккинчи ярим йиллик учун кейинги йилнинг 15 мартигача тўланади. Қолаверса, ўқишнинг иккинчи йилидан бошлаб, кредит тўловлар сентябрь ва мартнинг 5-кунидан кечиктирилмай тўланади.

**— Кредит олган талаба бирор сабаб билан талабалар сафидан чиқарилган тақдирда уни қандай қайтаради?**

— Талаба ўқиш даври тугамасдан талабалар сафидан чиқарилса, таълим муассасаси раҳбарияти, ректорнинг буйруғи чиққан кундан бошлаб 10 иш куни мобайнида банкка хабар бериши керак. Қарз олувчи эса, уч ой муддатда таълим кредити ва унга қўшилган фоизларни тўлиқ қайтариши талаб этилади.

**— Хорижда таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабаларга таълим кредити бериладими? Шунингдек, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг таълим муассасалари филиалларида таҳсил олаётган талабаларга ҳам таълим кредити ажратиладими?**

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги 318-сонли қарорига асосан Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисидаги Низомга мувофиқ таълим кредитлари тижорат банклари томонидан Олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимларига тўлов-контракт асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган талабаларнинг ўқиши учун талабаларнинг ўзларига, уларнинг ота-оналарига ёки васийларига берилади. Агарда фуқаро хорижда таҳсил олаётган бўлса, хорижий валютада берилган кредитни қайтаришни хорижий валютада амалга оширади. Шу билан бирга, амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда қарз сўмдаги маблағларни ички валюта бозорида эркин алмаштириладиган валютага алмаштириш орқали тўланишига ҳам рухсат берилади.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган қарори ва Низомга мувофиқ хорижий давлатларнинг Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган таълим муассасаларида таҳсил олаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган талабаларга ҳам таълим кредитлари берилади.

**— Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчилари ҳам таълим кредити олиши мумкинми?**

— Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиларига амалдаги қонунчилик ҳужжатлари доирасида таълим кредитлар ажратилади. Олий ўқув юрти — олий таълимнинг ўқитиш дастурларини (бакалавриат ва магистратура) амалга оширувчи, Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ташкил этилган ҳамда ўз устави ва Олий таълим тўғрисидаги низом асосида фаолият юритувчи юридик шахсдир. Ўзбекистонда олий ўқув юртларининг қуйидаги турлари белгиланган: университет, академия, институт ҳамда уларга тенглаштирилган олий таълим муассасалари...

Хулоса ўрнида шуни айтиш кераккки, таълим кредити ўқиш истагида бўлган, лекин иқтисодий имконияти чекланган ёшларни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ҳаётда ўз ўринларини топишига кўмаклашиш мақсадида жорий қилинган. Ёшларимиз таълим кредити борасида тўлиқ маълумотга эга бўлишлари, бу борада ўз ҳуқуқ ва бурчларини англаб етишлари муҳим аҳамиятга эга.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

РЕКЛАМА

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

# Миллий хавфсизлик хизмати Самарқанд вилоят бошқармаси

қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектни тўлиғича қуриб, фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

## ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

| № | Объект номи | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС сиз | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Ёнғиндан огоҳлантириш ва қўриқлаш сигнализацияси монтажи | 144 152 816 сўм | 172 893 379 сўм | 40 иш куни |

**Қурилиш ишлари Миллий хавфсизлик хизмати Самарқанд вилоят бошқармаси ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

***Буюртмачи*:** Миллий хавфсизлик хизмати Самарқанд вилоят бошқармаси.

***Манзили*:** Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони-2, телефон: (0366) 230-64-11.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан пудрат ташкилотларини танлаш фақат давлат реестрига кирган ташкилотлар ўртасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида» қарорига асосан пудрат ташкилотини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга, ёнғиндан огоҳлантириш ва қўриқлаш мосламаларини ўрнатиш учун махсус рухсатномага ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: ***Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 2-Д корпус, 403-хона.***

***Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.***

**Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.**

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 16:00 да ўтказилади.

Менинг назаримда бизнинг ғалабамиздан, ютуқларимиздан ҳаммадан кўра кўпроқ Президентимиз қувонади. Фахрланади.

МУСТАҚИЛЛИК ФАРЗАНДЛАРИ



# Илҳом Баҳромов: Катталар ўртасида ҳам олимпиада чемпиони бўлмоқчиман

**Хитой Халқ Республикасининг Нанкин шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги Иккинчи Олимпия ўйинларида 28 нафар ёш спортчимиз қатнашиб, 4 та олтин, 3 та кумуш, 3 та бронза, ҳаммаси бўлиб — 10 та медални қўлга киритгани барчамизни қувонтирди. Нанкин олимпиадаси Ўзбекистон фарзандларининг нималарга қодир эканлигини, соғлом ва баркамол, кучли ва қўрқмас, жасур ва мард... Бир сўз билан айтганда ҳеч кимдан кам эмасликларини, кам бўлмасликларини амалда намоён этди. Биз Нанкин олимпиадаси кашфиётларидан бири, юнон-рум кураши бўйича олимпия ўйинлари олтин медали соҳиби, умидли ва истеъдодли спортчи Илҳом Баҳромов билан суҳбатлашдик.**

— 1997 йилда Самарқанд вилояти, Оқдарё туманининг Лойиш шаҳарчасида туғилганман, — дейди у. — Оилам ҳақида гапирадиган бўлсам, отам Исмоил Мустафоев ҳайдовчи, онам Мунира Турсунова ҳамшира бўлиб ишлайди. Улар менинг спортчи бўлишимни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашган.

Телевизор орқали кураш баҳсларини кўрганимда менда курашчи бўлиш орзуси пайдо бўлган. Артур Таймазов Пекин олимпиадасида чемпион бўлганида 11 ёшда эдим. Бир йилдан кейин юнон-рум кураши билан жиддий шуғуллана бошладим. «Мен ҳам олимпиада чемпиони бўламан» деган мақсад билан спорт залига кириб борганман.

**— Биринчи мураббийингиз ҳақида тўхталсангиз.**

— Биринчи мураббийим Бахтиёр Сайфиевдан спортнинг сир-асрорларини ўрганганман. У киши энг майда деталларни ҳам эринмай тушунтирар эди. Устозимнинг гапларини тинглаб англадимки, зўр спортчи бўлиш учун хоҳишнинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун тинимсиз меҳнат қилиш керак.

Ўз устимда жиддий ишлай бошлаганимни кўрган мураббийларим юртимизда бўлган мусобақаларга мени ҳам олиб чиқа бошлашди. Шу пайтгача етти карра Ўзбекистон чемпиони бўлдим. Осиё чемпионатида икки марта қўлим баланд келди.

2012 йилдан бошлаб Тошкентдаги Республика олимпия захиралари коллежида ўқишни давом эттираяпман. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Олим Қурбоновдан ҳам жуда кўп усулларни ўргандим. У киши халқаро мусобақаларда қатнашганда ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётганимизни сира ҳам унутмаслигимиз кераклигини уқтиради.

**— Нанкин олимпиадаси таассуротлари...**

— Фикримча, мусобақада қатнашган ҳар бир спортчи ўша онларни ҳеч қачон унутмайди. Бу ёшда катталар олимпиадасида қатнашиш қийин масала. Биз ҳақиқий олимпиада шукуҳини Нанкинда ҳис қилдик. Олимпиада ўйинларида ғалаба қозониш қанчалик шарафли эканлигини англадик. Шуларни ҳисобга олиб айтаманки, Нанкин олимпиадаси менинг ҳаётимда жуда муҳим ўрин тутади.

Президентимиз томонидан ёш спортчиларга жуда катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Менинг назаримда бизнинг ғалабамиздан, ютуқларимиздан ҳаммадан кўра кўпроқ Президентимиз қувонади. Фахрланади. Мана шуни англаш бизга куч беради. Шоҳсупага бошлайди.

Мен барча ёш спортчилар номидан Президентимизга раҳмат айтмоқчиман. Мамлакатимиз раҳбари томонидан болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз мевасини бермоқда. Спорт мактабларида, спорт саройларида, кошоналарида, тўгаракларида шуғулланаётган спортчилар келажакда Ўзбекистонга шунчалик кўп медаллар олиб келсинки, юртдошларимиз санаб саноғига етолмасин.

**— Олимпиада ўйинлари доирасидаги баҳсларга тўхталиб ўтсангиз. Қайси беллашув қийинроқ кечди?**

> **Олимпиада ўйинларида ғалаба қозониш қанчалик шарафли эканлигини англадик. Шуларни ҳисобга олиб айтаманки, Нанкин олимпиадаси менинг ҳаётимда жуда муҳим ўрин тутади.**

— Албатта финал баҳси бошқаларидан кўра, қийинроқ бўлди. Чунки финалга ўз вазнида энг кучли бўлганлар етиб келади. Озарбайжонлик рақибим ҳам яхши тайёргарлик кўргани билиниб турди. Мен ҳам бор маҳоратимни ишга солдим. Халқимиз, Президентимиз, ота-онам менга умид билан боқиб турганини ўйладим. Чемпион бўлдим. Байроғимиз кўтарилди, мадҳиямиз янградди. Спортчи учун бундан ортиқ бахт бўлмайди.

Тошкентда бизни ҳақиқий қаҳрамонлардек кутиб олишди. Карнай-сурнай садолари остида аэропортдан чиқиб келдик. Оила аъзоларим, яқинларим мени ғалаба билан қутлашди.

Эртаси куни Олимпия шонշуҳрати музейида тақдирлаш маросимида қатнашдик. У ерда бизга Президент совғаси топширилди. Ўзбекистон халқ шоирлари Сирожиддин Саййид ва Иқбол Мирзо томонидан ўқилган шеърлар руҳимизни янада кўтарди.

Самарқандга қайтгач, вилоят марказида, Оқдарёда катта тадбирлар уюштирилди. Мен учун жон куйдирган, шунчалик қадрлаган барча инсонларга раҳмат айтаман.

**— Келажакдаги орзуларингиз?**

— Катталар олимпиадасида ҳам чемпион бўлмоқчиман. Бунинг учун янада кўпроқ меҳнат қилишим зарур. Устозларим спортчи эришган ғалабасидан кейин «мен энг зўрман» деб ўйлаган куни унинг фаолияти тугайди, деб уқтиришган. Менинг мақсадим кўплаб турнирларда ғолиб бўлиш. Юртимиз байроғини баланд кўтаришдир.

Бу орзуларимга етишиш учун юртимизда барча имкониятлар бор.

**«Ўзбекистон овози» мухбири Темур АЪЗАМ суҳбатлашди.**

СПОРТ

## ТЕННИСЧИМИЗ САБИНА ШАРИПОВА

### Пхукет турниридаги иштирокини ғалаба билан бошлади

**Ўзбекистоннинг учинчи ракеткаси Сабина Шарипова Таиланднинг Пхукет шаҳрида давом этаётган теннис бўйича ITF тоифасига кирувчи турнирдаги иштирокини ғалаба билан бошлади.**

Мукофот жамғармаси 15 минг АҚШ долларини ташкил этувчи мусобақада биринчи рақам остида кортга чиқаётган Сабина илк даврада мезбонлар вакиласи Пеанктарн Плипуечни 7:6(2), 6:4 ҳисобида мағлуб этди.

Кеча мусобақанинг чорак финал баҳслари бўлиб ўтди. Сабина Шарипова британиялик Катя Коултерга қарши кортга чиқди.

**Ўз мухбиримиз.**


Реклама

## «АГРОСАНОАТ МУЛК МАРКАЗИ» МЧЖ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ФИЛИАЛИ

**Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади**

Савдога Нукус тумани Давлат санитария-эпидемиология марказига қарашли 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95/358 ЕАА, техник носоз ҳолдаги «Дамас» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 3 710 900 сўм.

Савдо 2014 йил 29 ноябрь куни соат 15:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 28 ноябрь.

Талабгор мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоиз миқдоридаги закалат пулини «Агросаноат мулк маркази» МЧЖнинг АТ «Турон» банк Нукус шаҳри филиалидаги 20208000204970498001, МФО 00585, ИНН 207145085 ҳисоб-рақамига тўлаши лозим.

Манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 122-а уй. Телефон: (0-371) 222-55-84.

**Гувоҳнома № 006388. Хизматлар лицензияланган.**


## Муносабат

II ПараОсиё ўйинларида юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилган спортчиларимиз муносиб мукофотлангани ҳақида эшитиб, кўнглимдан шундай ўйлар ўтди: Ўзбекистонда Ватан шаъни учун мардона курашган, чин дилдан меҳнат қилган ҳар бир инсон тақдирланади, қадрланади.

INCHEON 2014 ASIAN PARA GAMES

# Матонат ва ирода синови

Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида бўлиб ўтган II ПараОсиё ўйинларида спортчиларимиз эришган улкан муваффақият ҳар биримизнинг қалбимизни ғурур ва ифтихорга тўлдирди. Мен Ўзбекистон фуқароси, спорт мухлиси сифатида ўз дил сўзларимни айтмоқчиман.

Паралимпиячиларимизнинг бу оламшумул ғалабаси, мустақил Ўзбекистонимиз спорти тарихига олтин ҳарфлар билан ёзиладиган энг буюк воқеалардан бири бўлди.

Спортчиларимиз ўзларининг бу ёрқин ғалабалари билан халқимиз, Ватанимиз шон-шуҳратини халқаро спорт майдонида юксак чўққиларга кўтарди.

**«Инсон ҳар қандай шароитда ҳам мақсад сари интила олса, бу мардлик, олижаноблик ва юксак ирода нишонасидир»** — деган донишмандлардан бири.

Чиндан ҳам бундай ғалабага фақатгина халқи ва Ватанига чин маънода садоқатли бўлган, матонатли ва юксак даражадаги иродали кишиларгина эриша олади.

Осиё паралимпия ўйинларида қатнашган давлатлар ичида фақатгина бизнинг ўзбекистонлик ва хитойлик спортчилар умумий сонига нисбатан кўпроқ медалларга эга бўлганликлари ҳам ҳар қанча фахрланишга арзийдиган ҳолатдир.

Мамлакатимиз терма жамоаси 27 та спортчидан иборат бўлган ҳолда 31 та медални қўлга киритди. Шулардан 22 таси олтин, 5 таси кумуш ва 4 таси бронза медалларини ташкил этади.

Бундан ташқари, спортчиларимиз томонидан 12 та Осиё рекорди ўрнатилганлиги ҳам уларнинг юксак даражадаги тайёргарликка эга бўлганликларидан далолат беради.

Паралимпиячиларимизнинг бу улкан муваффақияти чин маънода Ватанга бўлган садоқат, матонат ва ироданинг ёрқин намунаси бўлиб, бундай хусусият ҳар бир спортчига хос бўлиши керак, деб ўйлайман. Бу эса халқаро спорт майдонларида юксак чўққиларга эришишнинг энг муҳим омилларидан биридир.

Паралимпиячиларимиз томонидан қўлга киритилган муваффақият аввало, мустақиллик шарофати ҳамда Президентимиз томонидан спортга берилаётган эътибор ва спортчиларимизга кўрсатилаётган ғамхўрлик натижасидир.

Бундай юксак ғалабаларга эришган спортчиларимиз, уларнинг мураббийлари ҳамда бу хайрли ва хосиятли ишга ўз ҳиссаларини қўшган кишилар халқимизнинг, давлатимизнинг юксак даражадаги ҳурмат ва эҳтиромига, эътиборига муносибдирлар.

**Каримжон САИДОВ, ҳуқуқшунос.**


РЕКЛАМА ЎРНИДА

HAMKORBANK
BIRGALIKDA YUKSALISH SARI

# «Ҳамкорбанк»: янги мақом — янги масъулият

Пойтахтимизда «Ҳамкорбанк» акциядорлик тижорат банки томонидан ташкил этилган тадбир мазкур молия муассасаси ҳамда Голландия Тараққиёт банки (FMO) ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида имзоланган шартномаларнинг моҳияти ва истиқболига бағишланди.

Таъкидландики, FMO томонидан «Ҳамкорбанк» капиталига инвестиция киритилиши ушбу молия муассасаси ривожига катта ҳисса қўшиш билан бирга, унинг ишлаб чиқариш субъектларини қўллаб-қувватлашдаги имкониятларини янада кенгайтиради. Гап шундаки, «Ҳамкорбанк» ва Голландия Тараққиёт банки ўртасидаги алоқалар 2010 йилда ўрнатилган бўлиб, ўтган қисқа давр мобайнида умумий қиймати 13 млн. АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратиш бўйича икки томонлама шартномалар имзоланди. Натижада мазкур молиявий кўмак асосида 21 та лойиҳа молиялаштирилди. Ушбу маблағлар, асосан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига йўналтирилди. Кўплаб янги иш ўринлари яратилди.

Эътиборлиси, ушбу ҳамкорлик доирасида Голландия Тараққиёт банки «Ҳамкорбанк» акциядорлари таркибига кириш истагини ҳам билдирди.

Шу ўринда яна бир маълумотни келтириб ўтиш жоиз. Жаҳон банки гуруҳи таркибига кирувчи Халқаро Молия корпорацияси (IFC) 2010 йилда «Ҳамкорбанк»нинг 15 фоиз акциясига эга бўлган эди. Шундан буён Халқаро Молия корпорацияси Ўзбекистонда кичик корхоналарни молиялаштириш бўйича банкка кўмаклашиб келмоқда. Масалан, 2013 йилгача мазкур корпорация билан банк ўртасида 13,5 млн. АҚШ



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

доллари миқдорида кредит шартномалари имзоланган. Бу ҳам ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш ҳамда янги иш ўринлари яратишда айни муддао бўлаётир.

Голландия Тараққиёт банки билан имзоланган шартномалар ҳам мамлакатимиз иқтисодиётини янада қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, бир сўз билан айтганда, аҳоли фаровонлигига хизмат қилиши шубҳасиз.

Тадбирда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда жозибадор инвестицион муҳит шакллантирилиб, чет эл инвесторлари манфаатларини ҳимоя қилувчи имтиёзлар тизими, кафолат ва преференциялар яратилди. Бунда, табиийки, Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонунлари, Президентимизнинг чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар учун қўшимча имтиёз ва рағбатлантириш бериш ҳамда чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотларини экспорт қилишни рағбатлантиришни кўзда тутувчи фармонлари муҳим асос бўлмоқда. Зеро, ҳозирги кунда республикамиз иқтисодиётининг турли тармоқларида 4,2 мингта чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар фаолият юритаётгани ва ҳар йили 3 млрд. АҚШ долларидан зиёд чет эл инвестициялари ўзлаштирилаётгани, айни чоғда тўғридан-тўғри инвестициялар иқтисодиётимизга жалб этилаётган жами инвестиция ҳажмининг 26,6 фоизини ташкил этаётгани бежиз эмас.

Бундай саъй-ҳаракатлар эса, ўз навбатида, «Ҳамкорбанк» фаолиятида ҳам ўз инъикосини топмоқда. Ўтган ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт банки, Халқаро Молия корпорацияси, Голландия Тараққиёт банки, Халқаро Тараққиёт ассоциацияси, Осиё Тараққиёт банки, Хусусий секторни ривожлантириш Ислом корпорацияси ва бошқа нуфузли молия ташкилотлари билан алоқа ўрнатилгани шундан далолат беради. Буларнинг барчаси «Ҳамкорбанк»ни янги мақом — «Хорижий капитал иштирокидаги акциядорлик тижорат банки» сифатида янада фаол бўлишга, хўжалик юритувчи субъектларни молиявий қўллаб-қувватлаш жараёнини янада жадаллаштириб, янги иш ўринлари яратишга ундайди.

**Банк Ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*


ОБ-ҲАВО 30-31.10 — 2014

Юртимиз бўйлаб (°C)

| | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | -5 / -10 | +5 / +10 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | -5 / -10 | +5 / +10 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари | -1 / -2 | +10 / +15 |
| Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари | -1 / -2 | +12 / +17 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари | -1 / -2 | +8 / +13 |
| Тошкент шаҳри | 0 / -2 | +10 / +12 |

Дунё бўйлаб (°C)

| | |
|---|---|
| Лондон | +18 / +19 |
| Париж | +19 / +21 |
| Москва | +8 / +4 |
| Мадрид | +24 / +23 |
| Пекин | +19 / +15 |
| Канберра | +29 / +23 |
| Рим | +19 / +19 |
| Афина | +19 / +17 |

«Трансмахсусқурилиш» ассоциацияси жамоаси ассоциация раиси Шомурод Шофайзиевга падари бузруквори **ШОМУХСИН ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

**Газетанинг навбатдаги сони 4 ноябрь, сешанба куни чиқади.**


MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV



TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)



Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.


«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


Г — 1059
11315 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 00.25
Topshirilgan vaqti — 00.25

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Alisher RO`ZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5